



ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ ХУЛҚ-АТВОРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ

**Жўраев Луқмон Нарзуллаевич,
Самарқанд давлатуниверситети
Фалсафа фанлари доктори**

Аннотация: Иқтисодий маданиятнинг функционал алоқаларидан бири бу иқтисодий хулқ-атвордин. Иқтисодий хулқ-атвор мавзуси кўплаб иқтисодчи ва психологиярнинг фаолиятига боғлиқ бўлган алоқалар тизимида. Йинсоннинг иқтисодий салоҳиятининг рўёбга чиқшии, иқтисодий маданиятнинг объектив мезони, ўлчови ва бу ижтимоий фалсафанинг муҳим методологик асоси эканлиги кўрсатилган.

Калим сўзлар: трансформация, ёшлар, иқтисодий маданият, интегратив, иқтисодий хулқ-атвор, методология, ижтимоий фалсафа, флуктуация.

Аннотация: Экономическое поведение представляет собой одну из функциональных связей экономической культуры. Предметом и темой экономического поведения выступает система отношений, которая зависит от работы многих экономистов и психологов. В статье предпринята попытка показать, что реализация экономического потенциала человека является объективным критерием, мерой экономической культуры и важной методологической основой социальной философии.

Ключевые слова: трансформация, молодежь, экономическая культура, интегративность, экономическое поведение, методология, социальная философия, флуктуации.

Abstract: One of the functional connections of economic culture is economic behavior. The subject of economic behavior is a system of relationships that depends on the work of many economists and psychologists. It has been shown that the realization of human economic potential is an objective criterion, a measure of economic culture, and that it is an important methodological basis of social philosophy.

Key words: transformation, youth, economic culture, integrative, economic behavior, methodology, social philosophy, fluctuations.

Иқтисодий маданиятнинг фалсафий таҳлили ижтимоий тараққиёт давомида воқеликни ўзгартириш, ижтимоий тизимнинг ўз-ўзини сақлаш, ижтимоий адаптация, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, билиш, баҳолаш, лаззатлантириш, тартибга солиш, муомала ва ахборотлаштириш функцияларини бажариб келган. Аммо, унинг асосий мақсади, мазмuni, функцияси инсоннинг ҳар томонлама уйғун, баркамол шахс сифатида шакллантиришдан иборат. Йинсоннинг моҳиятли салоҳиятининг рўёбга чиқшии, иқтисодий маданиятнинг объектив мезони, ўлчови ҳам ана шудир. Бу ижтимоий фалсафанинг муҳим методологик хulosаси ҳисобланади.

Эмпирик тадқиқотлар, назарий изланишлар ва жаҳон иқтисодий-амалиёти шуни исботладики, иқтисодий маданият меҳнат унумдорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. У юқори сифатли рақобатбардош, чиройли ва мукаммал товарларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишда замонавий иқтисодиётда асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда қайси мамлакат ёки корхонанинг иқтисодий маданияти юқори бўлса, ўша мамлакат ривожланиш даражаси ҳам юқори бўлади. Аммо, иқтисодий маданият, унинг ўзаги ҳисобланган ишлаб чиқариш маданияти, бир бутун яхлит тизим бўлиб, ундан фойдаланиш комплекс тарзда амалга оширилсагина самара беради, бу ҳолатни тадбиркорлар, менежерлар, иқтисодиётни бошқарувчилар назардан четда қолдирмасликлари зарур. Иқтисодий маданият тизим сифатида интегратив ва функционал алоқаларга эга. Интегратив алоқалар иқтисодий маданият структурасидаги элементларнинг тизим яхлитлиги, сифатий барқарорлиги, гомеостозисини (мувозанат) сақлаб турувчи алоқалар бўлиб, агар улар бузилса флуктуация (ажралиш) ҳодисаси юз беради, яъни тизим таркибидаги элементлар эмирилади ва инқирозга учрайди.

Иқтисодий маданиятнинг функционал алоқаларидан бири бу иқтисодий хулқ-атвордин. Иқтисодий хулқ-атвор мавзуси кўплаб иқтисодчи ва психологиярнинг боғлиқ бўлган алоқалар бўлиб, улар тизим ва элементлар ўртасида ҳам рўй беради. Улар нафақат тизимнинг гомеостозисини таъминлайди, балки тизимнинг динамикасини белгилайди. Хулқ-





- бу шахснинг ҳаракатлари мажмуи. “Хулқ-атворда одамнинг шахсияти, феъл-атвори, эҳтиёжлари, диди хусусиятлари аниқланади; унинг атрофдаги ҳақиқат нарсалари ва ҳодисалари билан муносабатини очиб беради”¹³⁶. Хулқ-атвор фаолиятнинг шахснинг фазилатлари ва қадриятлар йўналишлари эркин намоён бўладиган жиҳатларини тавсифлайди. Фаолият мезоний тушунчасига тизим ва ўзаро боғлиқ бўлган кўйи тизимлар киради, уларнинг комбинацияси одамлар саъй-ҳаракатлари умумий ҳамкорлиги, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш учун зарур бўлган ижтимоий тузилманинг маълум бир яхлитлигини белгилайди.

Фаолият тушунчаси икки хилдаги ҳаракатларни бирлаштиради: 1) табиатан ёки иқтисодий, сиёсий, ҳарбий куч тизими томонидан шартланган қатъий заруриятга бўйсунади; 2) фақат маълум даражада объектив ҳолатлар, жамиятнинг маданий ва ҳуқуқий нормалари билан боғлиқ сабаб, лекин субъектга ўз ва жамоат манфаатларини қондириш мақсадлари ва воситаларини танлашда кенгрок шахсий эркинлик бериш. Шунга кўра, ушбу фаолият соҳасида шахс эркин танлаш учун кўпроқ имкониятларга эга ва шу билан бирга у ўз ҳаракатларига кўпроқ жавобгар бўлади. Агар улар маълум бир шахсда ёки ижтимоий гуруҳда маълум бир умумий йўналишга эга бўлса, унда улар бошқаларнинг ўzlari билан ижтимоий алоқада ўzlарини йўналтиришларига имкон берадиган хатти-ҳаракатларнинг нисбий яхлитлигини ташкил қиласди.

Ҳаётнинг турли соҳаларида турли хил қизиқишилар, моделлар, хулқ-атвор турлари устун бўлганлиги сабабли уларни иқтисодий, оилавий ва майший, деонтологик (профессионал) ва бошқаларга бўлиш мумкин. В.И.Верховин, Т.И.Заславская, В.Г.Залевский, В.С.Любченко, И.В.Розмайнский аҳолининг иқтисодий хулқ-атворининг асосий жиҳатлари тўғрисида умумий назарий ва фалсафий қоидаларни ишлаб чиқишга катта ҳисса кўшдилар.

Иқтисодий хулқ-атворнинг асоси – фаровонликка эришиш ёки юқори давлат ёки хусусий мақомга эришиш йўлидаги фойда ва ҳаражатларнинг нисбати тўғрисида шахснинг субъектив гояси. Иқтисодий ва ижтимоий манфаатлар билан бир қаторда ҳар бир инсоннинг шахсий қобилиятлари ва ижтимоий институтлар, урф-одатлар, этник ва маҳаллий менталитетнинг таъсирини эътиборга олган ҳолда маълум ҳаётий имтиёзларнинг нисбий мавжудлигини эътиборга олиш иқтисодий хулқ-атворнинг индивидуал ва гуруҳли моделларини шакллантиришда иштирок этади.

Т.Веблен “Бўш вақт синфлари назарияси” асарида таъкидлаганидек, “жамият тузилиши фақат баъзи ижтимоий гуруҳларнинг фикрлаш тарзининг ўзгариши натижасида ёки охир-оқибат, ҳамжамиятни ташкил этувчи шахсларнинг одатий фикрлаш тарзида содир бўлган ўзгариш туфайли ўзгаради, ривожланади, ўзгарувчан муҳитга мослашади”¹³⁷. Бинобарин, иқтисодий хулқ-атворнинг муҳим хусусияти бу фойдаланиш соҳаси (моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш) эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи тамоили – ҳаражатлар нисбати ва керакли натижаларни хисоблашдир.

Атроф-муҳит менталитети ва ҳақиқатни идрок этишнинг индивидуал хусусиятларига қараб, унинг амалий қўлланилиши бошқа субъектив баҳони олади - ахлоқий ҳукмдан фаол ҳаракатлар ва ижодкорлик учун энг кучли моддий рағбат сифатида тан олинади. М.Вебернинг ижтимоий ҳаракатлар назариясида, А.Смит томонидан ижтимоий координация, Т.Веблер томонидан истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва В.Зомбратнинг “иқтисодий рухи”да назарда тутилган классик методологияни таҳлил қилиш асосида иқтисодий манфаат мақсадга мувофиқ (терминологияда) шаклланишини белгилайди.

М.Вебернинг фикрича, “иқтисодий хулқ-атвор тури, миллий маданият, хулқ-атворнинг оқилоналиги, ижтимоий стереотиплар иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг анъянавий турининг пайдо бўлишига таъсир қиласди. Инсон ҳиссиётлари дунёси шахснинг иқтисодий

¹³⁶ Петросян Д. С. Интеграционная модель поведения человека / Д.С.Петросян // Общественные науки и современность. – 2008. – № 3. – С. 43

¹³⁷ Веблен Т. Б. Теория праздного класса / Т. Б. Веблен; пер. С. Сорокина. – М: Либроком, 2011. – С. 200-201.





хулқ-атворининг аффектив турини олдиндан белгилаб беради”¹³⁸. Шубҳасиз, иқтисодий хатти-харакатларнинг субъекти - бу шахс яни одамлар манфаатлари ва мотивлари, уларнинг фаолияти нафақат фойда олиш билан чекланиб қолади балки, маънавий ҳаёт, маданият, таълим ва ижтимоий психологиянинг кўп қирраларига таъсир қиласидаган (шахснинг ўзини ўзи англаши, жамиятдаги обрўси) ҳақиқий бирлашмаси, асосий иқтисодий мақсадга зид бўймаслик ва пировардида унга эришишга ҳисса қўшиши, хулқ-атвор бу шахс томонидан белгиланадиган фаолият шаклидир¹³⁹.

Иқтисодий хулқ-атворни ижтимоий ва шахсга йўналтирилган хулқ-атвор турларидан бири сифатида кўрилганда, ушбу модел нафақат оқилона томон (характерли харажатлар ва фойда нисбати бўйича қатъий иқтисодий ҳисоб-китоб) билан, балки ахборот этишмовчилиги ва шахсий субъектив мулоҳазалар туфайли аҳамиятсиз деб тушуниш мумкин. Бу эса ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш ва истеъмол қилиш каби хатти-харакатларнинг хилма-хиллигини таъкидлашимизга имкон беради. Аҳолининг турли ижтимоий-демографик гуруҳларининг иқтисодий хулқ-атвори шуни кўрсатадики, ҳар бир шахснинг имкониятларининг хилма-хиллиги унинг иқтисодий жараёнларда иштирок этиш даражасини акс эттириши, ҳамда “иқтисодий жараёнлардаги мавқенини белгилайди, иқтисодиётда ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида иштирокини таъминлайди”¹⁴⁰.

Хулқ-атвор тушунчаси умумлаштирилган шакlda шахснинг хатти-харакатлари ўзини ўраб турган муҳитини идрок этишидир. Бу нафақат ҳозирги пайтда шахснинг ҳаётий позициясини аниқлаш бўйича хulosалар чиқариш, балки келажакда унинг харакатларида оқилона қутишларни башорат қилиш имконини беради. Бизнинг фикримизча, иқтисодий хатти-харакатлар – бу маълум бир шахс ёки гурухга хос бўлган, уларнинг турли хил манфаатларини қондириш, фойда олишга қаратилган ижобий йўналтирилган харакатларнинг нисбий яхлитлигидир.

Иқтисодий маданият иқтисодий хатти-харакатларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида иқтисодий соҳада фаолият кўрсатадиган ва субъектларини йўналтирадиган қадриятлар, меъёрлар ва эҳтиёжларнинг намоён бўлишидир. Иқтисодий ва ноиқтисодий бўлмаган хатти-харакатларнинг умумий асослари иқтисодий маданиятнинг учта таркибий қисмида намоён қиласиди: 1) меҳнат одоб-ахлоқи; 2) илмий ва касбий билимлар; 3) инсон хулқ-атворини бошқарадиган меъёрлар ва қадриятлар. Ҳозирда инсон иқтисодий ҳаётини билиш билан бир қаторда ўз-ўзини акс эттириш ва ўз-ўзини ташкил қилишнинг ролининг ошиб бориши, онгни эркинлаштириш ва индивидуализация қилиш тенденциялари кучаймоқда.

Ёшлиарнинг жамиятга мослашуви ва иқтисодий ижтимоийлашув жараёни кескин ўзгаришларга бой бўлиб, турли муҳитда ва маконда яшаб кетиши, мулкни қўлга киритиши билан характерланади. Россиялик тадқиқотчи Н.К.Жамсуева ўз илмий ишида иқтисодий ижтимоийлашув жараёнларини қуидаги жиҳатлар билан боғлади:

- адаптация (нафақат ташки муҳит жараёнларига, балки инсоннинг ички руҳий дунёсини шакллантирувчи фаол ва нофаол кечинмаларга мослашиш);
- ҳис қилиш (жамиятдаги мавжуд билимлар тизимини ўзлаштиришда, уни ўзаро фаолият орқали индивид ва жамият ўртасидаги муносабатлар ижтимоийлашув объектининг коммуникатив жиҳати ҳисобланади);
- таъсир ўтказиш (жамият ва референт гуруҳларнинг мақсадга йўналтирилган таъсир ўтказиши натижасида онгиззлик ҳолатида қадриятли ва меъёрий установкаларни ўзлаштириш);
- фасилизация (хулқ-атворни юмшатиш, бунда референт гуруҳлар индивидга маълум

¹³⁸ Вебер М. Основные социологические понятия. Избранные произведения / М. Вебер. – М.: Прогресс, 1990. – С. 602.

¹³⁹ Зомбарт В. Буржуа: этюды по истории духовного развития современного экономического человека: пер. с нем. / В. Зомбарт; изд. подгот. Ю.Н.Давыдов, В.В.Сапов. – М.: Наука, 1994. – С. 6-7.

¹⁴⁰ Шабунова А.А. Экономическое поведение населения: теоретические аспекты: препринт / А.А.Шабунова, Г.В.Белехова. – Вологда: ИСЭРТ РАН, 2012. – С. 4-6.





даражада эркинлик бериб, унга ижодий ёндашиш асосида ўз тажрибасини намоён қилиш имконини беради);

- ингибиция (харакатнинг пасайиши, индивиднинг ҳаётий тажрибада ўзи тўплаган социал тажрибаси асосида шаклланган ҳулқ-авторига атрофдагиларнинг тўсқинлик қилиши);
- эмпатия (индивидуднинг ўзини бошқалар ўрнига қўйиш қобилияти ёки шунга тайёрлик, воқеъликка ўзга киши кўзи билан қарашга ҳаракат қилиши);
- эспектация (индивидуларнинг ўз фаолиятларини бошқа кишилар кутган реалликлар билан олиб бориши);
- идентификация (шахснинг ўзини бошқаларда мавжуд белгилар билан ҳис қилиш, англаш жараёни¹⁴¹).

Ёшларнинг иқтисодий ҳулқ-автори бозор иқтисодиёти ислоҳоти таъсирида, янги Ўзбекистонни қуришда ислоҳотларни жадаллашиши таъсирида ўзгариб боради ҳамда улар ўз-ўзини ташкил қилиш орқали шу янги иқтисодий қадриятлар муҳитига ижтимоийлашиб борадилар.

Умумий фалсафий тизимлар назарияси икки хил тушунчалардан фойдаланади - атрибутив ва реляцион. Агар атрибут тушунчаси нуқтаи назаридан ўрганилаётган тизим таҳлил қилинар экан, унинг элементлари хусусиятларининг умумий моҳиятига эътиборни қаратиш лозим. Унда ижтимоий муносабат концепциясининг хусусиятлари (иқтисодий муносабатлар)ни умумий моҳиятини аниқлаш орқали тизимни ўрганишга йўналтиради.

Ёшларнинг ўзгарувчан иқтисодий ҳулқ-автори моҳиятини хоссалари қуйидагилардан ташкил топади. *Биринчидан*, ўзгарувчан элементларнинг ўзига хос хусусиятлари максадлар, манфаатлар, қадриятлар, мотивлар, эътиқодларни ўзида жамлайди; *иккинчидан*, иқтисодий хатти-харакатларнинг тузилишини белгилайдиган улар ўртасидаги муносабатларнинг табиатидан келиб чиқади; *учинчидан*, иқтисодий ҳулқ-авторни концептуал таҳлил қилишга уриниш аввало, уни атрибуутларини методологик таҳлил қилиш кераклигини англаради. Унинг умумий маъноси – иқтисодий фикрлаш билан боғлиқлигини, харажатлар ва натижалар комбинациясини баҳолашда рационализмга бўлган истак-майлни ифодалайди; *тўртинчидан*, ёшларнинг иқтисодий қадриятлар йўналишлари таркиби бозор маданиятининг ҳақиқий қадриятларидан фарқ қиласди: меҳнат қила олиш, меҳнатсеварлик, шахсий жавобгарлик, фойда, жамғарма, бойлик (истеъмолчилик), ижтимоий муваффакият (ютуқ, обрў-эътибор, мақом) булар бозор иқтисодиётига асосланган – тадбиркорлик стратегиясини белгилайди; *бешинчидан*, иқтисодий хатти-харакатларнинг афзал қилинган стратегиялари этук ёшдаги ёшлар ва улар орасида сезиларли даражада фарқ қиласди.

Хулоса шуки ёшларнинг "фаол иқтисодий хатти-харакатлари" жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги иштирокини акс эттирадиган ижтимоий хатти-харакатларнинг бир тури сифатида белгиланиши мумкин. Иқтисодий фаолият турли хил шакллар орқали, унда шахснинг саъи-харакатлари унинг ташаббуси, онги, масъулияти, шахсий манфаати ва ўз ҳиссасини қўшиши билан боғлиқ. Унинг эҳтиёжларини қондириш ва фаолиятнинг ўзи атроф-муҳитдаги изчил ўзгаришларга қаратилган бўлиб, шахс ва жамият учун ижобий иқтисодий самарани, иқтисодий ўсиш ва фаровонликнинг таъминлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Петросян Д. С. Интеграционная модель поведения человека / Д.С.Петросян // Общественные науки и современность. – 2008. – № 3. – С. 43
2. Веблен Т. Б. Теория праздного класса / Т. Б.Веблен; пер. С. Сорокина. – М.: Либроком, 2011. – С. 200-201.
3. Вебер М. Основные социологические понятия. Избранные произведения / М.Вебер. – М.: Прогресс, 1990. – С. 602.

¹⁴¹Жамсуева Н.К. Социализация молодежи в обществе переходного периода общетеоретический подход). Улан-Уде, 1999. – С.23-24





4. Зомбарт В. Буржуа: этюды по истории духовного развития современного экономического человека: пер. с нем. / В.Зомбарт; изд. подгот. Ю.Н.Давыдов, В.В.Сапов. – М.: Наука, 1994. – С. 6-7.
5. Шабунова А.А. Экономическое поведение населения: теоретические аспекты: препринт / А.А.Шабунова, Г.В.Белехова. – Вологда: ИСЭРТ РАН, 2012. – С. 4-6.
6. Жамсуева Н.К.Социализация молодежи в обществе переходного периода (общетеоретический подход). Улан-Уде, 1999. – С. 23-24
7. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
8. Kattakulovna, T. S., Khudoiberdievich, T. B., Evatovich, R. A., Norkulovich, J. B., & Buriniyozovna, E. S. Increasing protection of the rights and interests of youth in Uzbekistan.[Electronic Resource]. URL: <https://philosophicalreadings.org/2021-13-4/>(date of access: 15.06. 2022).
9. Turabova K. K., Turabova S. K. THE ROLE OF SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE FORMATION OF SCIENTIFIC AND CREATIVE ABILITIES AND PROFESSIONAL SKILLS //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2021. – Т. 2. – №. 06. – С. 167-170.
10. Рўзибоев, Дишод Аъзам йўли (2022). XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (3), 943-952.
11. Ruziboev Dilshod A'Zam Ugli (2021). TOURISM POWER OF UZBEKISTAN. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (5), 215-222.
12. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
13. Rustamov, R. R., & Elboyeva, S. B. R. (2020). THE EVOLUTION OF THE SYSTEM OF SPIRITUAL PROPAGANDA. Theoretical & Applied Science, (10), 218-221.
14. Чориев, С.А. , & Рустамов, Р.Р. (2022). ДУНЁ ТАРФИБОТ СИСТЕМАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 48-59.
15. Mamasaliyev, Mirzoulug' Mirsaidovich (2022). AMIR TEMUR DAVRIDA MARKAZLASHGAN BOSHQARUV TIZIMINING SHAKLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 1120-1129. doi: 10.24412/2181-1784-2022-5-2-1120-1129
16. Мамасалиев М. М. ЭПОХА ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА: ФИЛОСОФСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ //РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. – 2022. – С. 161-165.
17. Akhmedov, Bekzod Abdirahmonovich HISTORY OF KARAKUL INDUSTRY IN UZBEKISTAN // ORIENSS. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/history-of-karakul-industry-in-uzbekistan> (дата обращения: 02.12.2022).

